

И.ф.н., доцент Истам ҚУЛЛИЕВ

Тошкент молия институти

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ КРЕДИТЛАШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида жисмоний шахсларни кредитлашнинг методологик асослари тадқиқ қилинган. Тижорат банкларининг чакана кредитлаш жараёнлари босқичлари ва амалиётлари йирик тижорат банклари маълумотлари асосида таҳлил этилган. Тадқиқот натижалари асосида банкларнинг жисмоний шахсларни кредитлашни ва унинг методологиясини такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: жисмоний шахс, чакана кредит, ипотека кредити, истеъмол кредити, микроқарз, чакана кредитлаш, қарз юки, кредитга лаёқатлилиқ, банк кредит сиёсати, аҳоли даромадлари, қарз олувчининг харид қобилияти, инфляция даражаси, иқтисодий ўсиш, Марказий банк.

METHODOLOGICAL PRINCIPLES OF CREDIT TO INDIVIDUALS IN COMMERCIAL BANKS AND ITS IMPROVEMENT

Abstract: In this article, the methodological basis of lending to individuals in commercial banks of the Republic of Uzbekistan is researched. Stages and practices of retail crediting processes of commercial banks are analyzed based on the data of large commercial banks. Based on the results of the research, scientific proposals and practical recommendations are given for improving banks' lending to individuals and its methodology.

Keywords: individual, retail credit, mortgage credit, consumer credit, microcredit, retail lending, debt burden, creditworthiness, bank credit policy, population income, borrower's purchasing power, inflation rate, economic growth, Central Bank.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида кредитлаш амалиётлари банклар томонидан ишлаб чиқилган кредит сиёсатида мувофиқ амалга оширилади. Тижорат банклари кредит сиёсатида кредитлашни ташкил этиш, уни амалга ошириш жараёнлари, миқдорни ўрганиш ва кредитга лаёқатлилигини баҳолаш, кредит ажратиш ва уни мониторинги босқичлари қатъий белгиланган тартиб асосида амалга оширади. Банк тизимида банкларaro рақобатнинг ривожланиши, тижорат банкларининг кредит

хизматлари бозорида миждозлар учун кулай ва тезкор кредитларни ажратиш амалиётларини такомиллаштиришни талаб қилмоқда. Хусусан, чакана миждозларга кредитлар ажратишда инсон омилисиз сунъий интеллект асосида автоматик тарзда миждозларга хизмат кўрсатиш амалиётлари кенгаймоқда. Тижорат банклари мобил иловалари орқали микроқарз ва бошқа турдаги кредитларни тақдим этмоқда. Банклар рақамли банк хизмати марказларини ташкил этмоқда ва чакана хизматларни кўрсатмоқда.

2010 йилларга қадар бўлган даврда жисмоний шахсларнинг тижорат банкларидан олинадиган кредитлари миқдори миждознинг аризасига асосан учинчи томон (сотув дилер ёки хизмат кўрсатувчи) билан тузилган шартномага мувофиқ белгиланган. Ҳозирги кунда бу жараён автоматлаштирилган скоринг модели орқали миждознинг молиявий ҳолати, миждознинг мавжуд қарздорликларини таҳлили асосида қарз юқини баҳолаш ҳамда бошқа белгиланган кўрсаткичларидан келиб чиқиб, ажратиладиган кредит миқдори автоматик тарзда аниқланади. Банклар ушбу жараёнларни маълум бир кетма-кетлик асосида ва аниқ усуллар орқали амалга оширишни талаб қилади.

Бунинг тижорат банкларининг жисмоний шахсларни кредитлаш жараёнларини ўрганиш ва унинг методологик асосларини тадқиқ қилиш талаб этилади. Тижорат банкларининг жисмоний шахсларни кредитлаш соҳасида методологияни кўриб чиқишда муҳим элемент бу миждозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан мазкур мақолада жисмоний шахсларни кредитга лаёқатлилигини баҳолаш ва кредитлаш жараёнларини кўриб чиқамиз.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Тижорат банкларининг миждозларни кредитга лаёқатлилигини баҳолаш соҳасида тадқиқотлар олиб борилган ва бугунги кунда ҳам ўзининг аҳамиятини йўқотгани йўқ. Мавзуга оид тадқиқотларни кўриб чиқадиган бўлсак, XX аср сўнгига қадар ўтказилган тадқиқотлар ва таҳлилларда миждозлар томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида кредитга лаёқатлилиқ даражаси баҳоланган. 2000 йиллардан ҳозирги кунга қадар тадқиқотларнинг аксарият қисмида миждозларнинг кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичларини баҳолаш билан бирга уни башоратлашга доир тадқиқотлар ўтказилган ва олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотлар юқори технологик дастурий ишланмалар ва сунъий интеллектга асосланган таҳлиллар билан бойитилиши, маълумотлар базаларининг шаклланиб бориши эришиладиган натижаларнинг амалий аҳамиятини юқори бўлишини таъминламоқда.

“Scoring” атамасининг ўзи инглизча балл сўзидан келиб чиққан бўлиб, “ҳисоб” деб таржима қилинади. Содда қилиб айтганда, скоринг - бу қарз олувчини таҳлил қилиш ва кредит рискларини аниқлаш усули. Бу потенциал қарздорларни таҳлил қилишнинг тўлиқ автоматлаштирилган биринчи босқичи ҳисобланади. Айнан скоринг моделлари жорий этилгани туфайли бугунги кунда банк офисига бормасдан онлайн тарзда мурожаат қилиш ва бир неча дақиқада кредит олиш мумкин.

Тадқиқотчи Н.Абдуллаевнинг тадқиқотларида “Скоринг модели - бу қарз олувчининг тавсифларини рақамли қиймат билан солиштиришга имкон берадиган математик модел. Бу кредитга лаёқатлилиқни тавсифловчи скоринг усулидаги рейтингидир (кўпроқ кредит келишувининг муваффақиятли натижага эришиш эҳтимоли)” таърифни келтириб ўтган [1]. Тадқиқотчининг “Бизнинг шароитимизда скоринг усулларини оммавий равишда қўллаш ама-лиёти кредитларни қайтармаслик ҳолатларининг кескин ўсишига олиб келиши мумкин” деган хулосаси мунозарали ҳисобланади. Тадқиқотчи ўз фикрини, Ўзбекистонда, халқаро тажрибага мувофиқ, кредит бюрolari фаол бўлмаган-лиги, аҳолининг кредит олиш маданияти ривожланмаганлиги ва молия соҳасида ягона ахборот майдони йўқлиги каби омиллар билан изоҳлайди.

Ш.Абдуллаеванинг жисмоний шахсларни кредитлашда кредит скорингни амалга ошириш жараёни ва кредит скоринг тизимини хусусиятлари бўйича тадқиқотларининг назарий ва амалий аҳамияти юқори ҳисобланади. Ш.Абдуллаеванинг фикрига кўра “Скоринг баҳолаш кредит муносабатлари-нинг иккала субъекти банк учун ҳам мижоз учун ҳам фойдали тизимдир. Банк учун кредит билан боғлиқ йўқотишларнинг олдини олса, мижоз ҳеч қандай қийинчиликларсиз, тезкор кредитни олиш, ундан фойдаланиш ва тўлаш имкониятига эга бўлади.” Бундан ташқари, скоринг усули бўйича кредит ажратишнинг афзалликлари ва камчиликларини таққослаб, унинг ижобий томонлари ва қулайликлари кўрсатиб берилган [2].

Д.Тошпўлатовнинг илмий тадқиқотларида “Скоринг рейтинг тизими банкка кредит ажратишни сўраб мурожаат қилган ёки сўралаётган кредит бўйича кафилик тақдим этаётган юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахсларнинг кредитга лаёқатлилиқ даражасини аниқлашда фойдаланиладиган кўрсаткичлар ва коэффицентлар мажмуидир” таърифи келтирилган [3].

Ўзбекистон Республикаси кредит тарихи бозорида лидер ҳисобланган “Кредит ахборот таҳлилий маркази” (КАТМ) кредит бюроси томонидан “Scoring CIAC” модели ишлаб чиқилган, унда мижозлар бўйича скоринг таҳлиллари амалга оширилади ва аниқланган скоринг баллари тижорат

банклари учун тавсиявий характерга эга. “Scoring CIAC” скоринг моделида қарз олувчининг кредит тарихи, шахсий, касбий, мулкӣй ва бошқа омиллар ҳисобга олинади. Бундан ташқари, “КАТМ” кредит бюросининг “Scoring CIAC” скоринг модели жисмоний ва юридик шахсларнинг мажбуриятларига асосланади [14].

Blöchlingle, Andreas ва Markus Leippold (2006) скоринг тизимининг муҳим афзаллиги, унинг ҳолислиги ва кредит қарорларини қабул қилиш жараёнида мезонларни стандартлаштириш имконияти деб баҳолайди. Моделнинг объективлиги қарз олувчиларда ирқи, жинси, дини ва бошқа камситувчи омилларидан қатъи назар, уларнинг ҳар бирига тенг муносабатда бўлишни таъминлайди. Бундан ташқари, кредит скоринг тизими юқори мослашувчанлиги билан ажралиб туради [6].

Wu Y, Xie Z, Ji S, Liu Z, Zhang X, Lin C, Deng S, Zhou J, Wang T ва Beyah R лар томонидан ўтказилган тадқиқотларда онлайн микрокредитлашда фирибгарлик ҳолатларини аниқлаш бўйича асосланган ечимларни тақдим этади. Уларнинг тадқиқотларида мижозларнинг телефон қўнғироқлари тарихи, манзиллар китоби, кредит тарихи каби бир қанча омиллар скоринг тизимида аниқ самара бермаслиги мумкин деган хулосага келишади. Улар томонидан ўтказилган эмпирик тадқиқотларда ушбу муаммони ҳал қилиш учун 600 000 дан ортиқ қарз олувчиларни ўрганган. Тадқиқот фирибгарларни аниқлаш тўрт гуруҳга бўлинган жами 26 та омилни таҳлил қилиш орқали амалга оширилган. Баҳолаш натижалари шуни кўрсатадики, 11 953 273 нафар қарз олувчининг маълумотлари йирик онлайн микрокредитлаш платформасида жойлаштирилганда, улардан 29 727 таси фирибгар эканлиги аниқланган. Платформа экспертлари олинган натижанинг 95,59 фоизи ҳақиқий фирибгарлар эканлигини тасдиқлашган ва уларни платформанинг ички “қора рўйхати”га киритишган [13].

Ўзбекистон банк тизимида ҳам онлайн кредит хизматларини кўрсатиш амалиётларида мижозларнинг шахсий кабинетларига интернет тизимлари орқали бузиб кириш ҳамда мижозлар номидан микроқарзлар расмийлаштирилган ва ўзлаштирилган ҳолатлар мавжуд. Ушбу ҳолат банк карталари пин кодларини алдов йўли олиб, мижозлар номидан банк иловалари орқали микроқарзлар расмийлаштирилиб ўзлаштирилган ҳолатлар ортиқ бормоқда.

Тадқиқот методологияси

Мазкур мақолада молиявий ҳолат таҳлилини амалга оширишнинг дастурий таъминотини яратиш имкониятларини аниқлаш бўйича тадқиқот

натижалари акс этирилган. Илмий мақолада анализ, синтез, гуруҳлаш, таққослаш, коэффициентлар каби таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Жисмоний шахсларга кредитлар ажратиш жараёни босқичларининг ҳар бири бўйича тўхталиб ўтамиз. Банк томонидан қарз оловчи (биргаликда қарз оловчи/кафил)ни идентификация қилиш:

- мижознинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан шахсан мижознинг жисмонан ўзини таққосланади (айрим тижорат банкларида FACE ID тизими орқали мижоз тўғрисидаги маълумотлар банк дастурий таъминотида ташқи манбалардан шакллантирилади);

- мижознинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва мижоз томонидан анкетада берилган маълумотлар электрон базалардан олинган маълумотлар билан таққосланади;

- шахсни бошқа жиҳатлари ўрганилади.

Тижорат банкида фронт офиси ходими мижозни идентификация қилиш жараёнида тақдим этилган ҳужжатлар базалардан олинган маълумотлар билан мос келмаса ёки унда шубҳа пайдо бўлса қарз оловчи (биргаликда қарз оловчи/кафил)нинг махфийлик масалалари юзасидан ғайриоддий ташвишланиши ёки банк томонидан операция ҳақида сўралган маълумотларнинг мижоз томонидан асоссиз рад этилиши ёхуд тақдим этилишида асоссиз кечиктириш ҳолатларида ходим томонидан ушбу қарз оловчига кредит хизматлари кўрсатишни рад этиши мумкин. Шунингдек, қарз оловчи, биргаликда қарз оловчи ва жисмоний шахс бўлган кафилнинг иш жойи ва охириги 12 (ўн икки) ойлик даромади тўғрисида ташқи манбалардан унинг даромади тўғрисида маълумотлар топилмаганда, ушбу қарз оловчига кредит ажратишни рад қилишга ҳақли.

Тегишли ҳужжатлар етишмовчилиги ёки стоп-фактор мавжуд бўлганда, камчиликлар бартараф этилмагунча мурожаатни кўриб чиқиш имконияти йўқлиги тўғрисида мижозга хабар берилади ёки аксинча бўлса мазкур мижоз идентификация қилинади. Тижорат банкларида қарз оловчи, биргаликда қарз оловчи ва жисмоний шахс бўлган кафил томонидан даромади тўғрисидаги тақдим қилинган маълумотнома ҳамда ташқи манбалардан даромадлари тўғрисида олинган маълумотлар ўртасида тафовут юзага келган тақдирда, ташқи манбалардан олинган маълумотларга устунлик берилади ва қарор ташқи манбалардан олинган маълумотларга асосланиб чиқарилади.

Тижорат банкларида мижозни идентификациялаш босқичидан кейин мижознинг талабидан келиб чиқиб, унга зарур кредит маҳсулоти таклиф

этилади. Банк томонидан ишлаб чиқилган амалда мавжуд бўлган кредит маҳсулотлари ва унинг шартлари тўғрисида мижоз таништирилади.

Банкларда кредит олиш учун мурожаат қилган жисмоний шахсларни дастлабки идентификациялаш амалга оширилади. Идентификациядан ўтган мижозлардан келиб тушган аризалар масъул кредит ходими томонидан календар навбат тартибида кўриб чиқилади. Банк ходими кредит олишга ариза расмийлаштириш учун такдим этиладиган ҳужжатлар рўйхатини такдим этади ва дастурга маълумотларни киритиб қанча миқдорда кредит берилишини тахминан аниқлайди. Тижорат банклари томонидан жисмоний шахс мижозлар юқорида келтирилган дастлабки талабларга жавоб берган тақдирда кейинги босқичга ўтилади ва мижоз идентификация қилинади.

1-жадвал

Тижорат банкларида жисмоний шахсларни кредитлашни ташкил этиш босқичлари¹

Босқичлар	Босқич номи	Иштирокчилар
1-босқич	Мижоз (кафил)ни идентификация қилиш	Мижоз/Фронт-офис ходими/ FACE ID тизими
2-босқич	Банк дастури орқали кредит олиш учун аризани шакллантириш	Дастур/Гаров ходими/Андеррайтер/Ташқи тизимлар/Фронт-офис ходими/АБТ //Мижоз
3-босқич	Кредит олиш учун ариза бериш бўйича муқобил қарор қабул қилиш	Банк дастури /Гаров ходими/Андеррайтер/Ташқи тизимлар/Фронт-офис ходими/ АБТ /Мижоз
4-босқич	Кредит шартномасини тузиш	Банк ходими / Ташқи тизимлар / Олд офис ходими /АБТ / Мижоз
5-босқич	Кредит ажратиш	Фронт-офис ходими/Мидл офис ходими/ Бош банк ходими /АБТ/Ташқи тизимлар
6-босқич	Кредит беришни рад этиш	Фронт-офис ходими/Ўрта офис ходими/Солвир/Ташқи тизимлар
7-босқич	“Жисмоний шахсга кредити бериш” жараёни самарадорлигини ошириш.	Бош офис бўлими (бизнес жараён эгаси)/Мувофиқ таркибий бўлинмалар//2-чи ҳимоя линияси/ Ваколатли орган

*АБТ Автоматлаштирилган банк тизими.

Кредит скоринги - бу қарздорнинг тўлов қобилияти ва мажбуриятларни бажара олиши билан боғлиқ хавф омилларини миқдорий баҳолаш учун ишлатиладиган тизим. Тижорат банкларига кунлик равишда кўплаб мурожаатлар келиб тушаётганлиги ва регулятор томонидан банкларга қўйиладиган тартибга солувчи талабларнинг кучайиши кредит скорингини

¹ Муаллиф томонидан тузилди.

жорий этишни заруратга айлантирди. Дастлаб тижорат банклари жисмоний шахс мижозларни кредитлашда скоринг тизимларини жорий этди. Ҳозирги вақтда юридик мижозларни кредитлаш амалиётига жорий қилинмоқда.

Жисмоний шахс қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиги кўплаб омиллар-га боғлиқ. Банклар келажақда мижознинг кредит қобилятига таъсир қилувчи барча омиллар, сабаблар ва шароитларнинг ўзгаришини чуқур таҳлил қилади. Жисмоний шахсларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш банкнинг ишончли кредит портфелини шакллантириш ва кредит рискинни минималлаштиришга хизмат қилувчи муҳим омил бўлиб хизмат қилади.


Скоринг тизими натижалари бир қатор омилларга боғлиқ ҳисобланади. Скоринг кўрсаткичларини ҳисоблашда халқаро банк амалиётида мижозларнинг кредит тарихидан ташқари, бир қатор омиллар ҳисобга олинади. Жумладан:

1. Жисмоний шахснинг оилавий ҳолати;
2. Банклардаги ҳисобварақлари ва айланмаларга оид маълумотлар;
3. Тўловлар тарихи, хусусан, солиқлар, коммунал ва бошқа тўловлар бўйича маълумотлар;
4. Мижознинг муддатли тўловлар бўйича қарздорликлари тўғрисидаги маълумотлар;

Мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш учун турли моделлаштириш усуллари ва математик ҳисоб-китоблардан фойдаланилади. Скоринг таҳлили махсус дастур воситасида қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

- статистик ва қарз олувчи ҳақидаги маълумотлар тизимга киритиш;
- интеграция қилинган ташқи манбалардан қарздорга тегишли маълумотлар олиш;
- скоринг модели асосида дастур асосида маълумотларни таҳлил қилиш;
- таҳлил натижасида қарз олувчининг скоринг баллини эълон қилиниши.

Олинган натижа баллда юритилади ва мижознинг кредитга лаёқатлилиқ даражасини кўрсатиб беради. Олинган балл асосида кредитлаш бўйича дастлабки қарор қабул қилинади.



Ёпиқ мажбуриятлар ижобий омиллар

Шахсий маълумотлар

Ёпиқ мажбуриятлар салбий омиллар

1-расм. “КАТМ” кредит бюроси “Scoring CIAC” скоринг моделида жисмоний шахсларни кредитга лаёқатлигини баҳоловчи омиллар [14]

Жисмоний шахсларнинг кредитга лаёқатлигини баҳолаш бўйича асосий омил сифатида жорий мажбуриятлар (40%) олинган. Шунингдек, унинг шахсий маълумотлари (10%), ёпиқ мажбуриятлар бўйича ижобий омиллар (30%) ва ёпиқ мажбуриятлар бўйича салбий омиллар (20%) белгиланган. Ёпиқ мажбуриятлар бу миқдорнинг илгари олинган кредитлари бўйича мажбуриятлари тўлиқ бажарилганда “ижобий омил”, бажарилмаган ҳолатлар мавжуд бўлса “салбий омил” сифатида тан олинади.

Скоринг тизимида баҳолаш ҳолис ва инсон омили минималлаштирилади, жараёнлар имкон қадар автоматлаштирилади. Скоринг дастурларининг текшириш усуллари ва параметрлари ишлаш тамойили банк талаблари, маълумотларни таҳлил қилиш ва статистик маълумотлар билан таққослашга асосланади. Агар тизим ариза берувчининг белгиланган параметрларга жавоб бермаслигини “тушунса”, у автоматик тарзда аризани рад этади, бу эса банк ресурслари ва қарз олувчининг вақтини тежайди. Аксинча бўлган ҳолатда кредит ажратилади.



2-расм. “КАТМ” кредит бюроси “Scoring CIAC” скоринг моделида жисмоний шахсларнинг скоринг балл тақсимооти [14]

“КАТМ” кредит бюроси “Scoring CIAC” скоринг моделида скоринг баллар тақсимооти қуйидагича:

1. 0-100 балл – қониқарсиз кредит тарихи;
2. 100-199 балл – скоринг балли ўртачадан паст;
3. 200-299 балл – ўртача хатар даражаси;
4. 300-399 балл – яхши кредит тарихи;
5. 400-500 балл – аъло кредит тарихига эга мижоз тоифаси

ҳисобланади.

Кредит тарихи аъло бўлган мижозларга кредит rischi даражаси паст бўлиб, уларга пасайтирилган фоиз ставкада кредитлар тақдим этиш мумкин. Шунингдек, қониқарсиз кредит тарихи, яъни 100 баллгача бўлган мижозларнинг муддати ўтган қарздорликлари мавжудлиги сабабли кредит rischi даражаси юқори бўлади ҳамда бундай тоифадаги мижозларга кредитлар ажратилмайди.

“КАТМ” кредит бюросининг “Scoring CIAC” скоринг модели натижаларидан тижорат банкларида мижозларни кредитлаш амалиётида фойдаланилмоқда. Жумладан, йирик тижорат банкларидан Халқ банки чакана кредитлар ажратиш амалиётида “Scoring CIAC” скоринг модели натижаларидан фойдаланиш тартибини қуйидаги жадвалда кўриб чиқамиз.

2-жадвал

АТ Халқ банкида жисмоний шахсларга ажратиладиган кредитлар миқдорининг ўрнатилиши²

Баллар интервали	Кредит миқдорининг белгиланиши
0 дан 250 гача	0%*
250 дан 300 гача	40%
300 дан 350 гача	60%
350 дан 400 гача	80%
400 дан 500 гача	100%
КАТМ базасида мижоз ҳақида маълумот мавжуд бўлмаган тақдирда	100%

* Кредит ажратилмайди

Ушбу жадвалда жисмоний шахс мижознинг олмоқчи бўлган кредитига йўналтириши мумкин бўлган бўш даромади миқдorigа нисбатан ўрнатилган

² АТ Халқ банк интернет саҳифаси маълумотлари асосида тузилди.

меъёрдан келиб чиқиб кредит миқдори белгилаш тартибини кўриш мумкин. Мижоз тўғрисида “КАТМ” кредит бюроси томонидан берилган маълумотномага мувофиқ мижознинг тўлов интизоми бўйича баллар интервали 250 дан юқори бўлганда кредит ажратилишига рухсат этилади.

Тижорат банкларининг кредитлаш амалиётларини таҳлил қилиш орқали банкларда чакана кредитлашнинг ташкил этилиши ва хизматлар бозоридаги фаолиятини баҳолаш имконини беради.

АТ “Алоқабанк”нинг 31.12.2022 йил ҳолатига кредит портфели 9 161,9 млрд. сўмни ташкил этган ва 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 5 338,7 млрд. сўмга ошган. Банк кредит портфелида чакана кредитлар улуши 2 396,5 млрд. сўм ёки 26,2 % ни ташкил этган ва 2018 йилнинг шу даврига (970,0 млрд. сўм) нисбатан 1 426,5 млрд. сўмга кўпайган ва ўз навбатида улуши ҳам 0,5 % га ортган.

3-жадвал

Тижорат банкларида чакана кредит портфелнинг жами кредит портфелдаги улуши³

(31 декабр ҳолати, млрд. сўм)

Банк номи	Кўрсаткич	2018	2019	2020	2021	2022	Фарқ
Алоқабанк	жами	3 773,2	5 601,8	5 705,9	7 754,3	9 161,9	5 388,7
	чакана портфел	970,0	1 004,4	1 022,4	1 329,0	2 396,5	1 426,5
	улуши %	25,7%	17,9%	17,9%	17,1%	26,2%	0,5%
ЎзСҚБ	жами	27 293,3	29 442,3	39 898,2	43 147,8	48 075,9	20 782,6
	чакана портфел	1 672,8	3 146,0	4 300,6	4 259,9	5 463,4	3 790,6
	улуши %	6,1%	10,7%	10,8%	9,9%	11,4%	5,3%
Халқ банки	жами	4 691,2	12 407,3	18 792,1	19 596,0	21 665,6	16 974,4
	чакана портфел	1 642,3	4 562,2	6 581,2	7 413,3	10 565,4	8 923,1
	улуши %	35,0%	36,8%	35,0%	37,8%	48,8%	13,8%

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ жами кредит портфели 2022 йил охирига келиб 48 075,9 млрд. сўмни ташкил этиб 2018 йилнинг мос даврига (27 293,3 млрд. сўм) нисбатан қарийб 21 трлн. сўмга ўсган. Чакана мижозларга ажратилган кредитлар салмоғи ўтган йил охирида 5 463,4 млрд. сўмга ёки 11,4 % га тенг бўлган ва 2018 йилнинг шу даврига (1 672,8 млрд. сўм) нисбатан 3 790,6 млрд. сўм ёки 5,3 % га ошган.

АТ Халқ банкининг жами кредит портфели сўнгги беш йилда юқори суръатда ўсиб 31.12.2022 йилда 21 665,6 млрд. сўмга етди ва 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 16 974,4 млрд. сўмга ошган. Банкнинг чакана кредит портфели ҳам сезиларли миқдорда ошиб ўтган йилнинг охирига келиб

³ Тижорат банкларининг молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

10 565,4 млрд. сўмга ёки жами портфелнинг 48,8 % ни ташкил этиб 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 8 923,1 млрд. сўмга (жами портфелнинг 35,0 %) ортган.

Ўзбекистон Республикасида 2022 йил 1 мартдан дастурлар бўйича “Агробанк” АТБ, АТ “Халқ банки” ва “Микрокредитбанк” АТБ оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари бўйича молиялаштирувчи банклар сифатида бириктирилганлиги сабабли, Халқ банкининг чакана кредит портфели 2022 йилда 2021 йилга нисбатан 11 фоиздан ортиқ ўсган.

4-жадвал

АТ “Алоқабанк” чакана кредит портфели таркиби таҳлили⁴

(31 декабр ҳолати, млрд. сўм)

Кредит тури	Кўрсаткич	2018	2019	2020	2021	2022	Фарқ
автокредит	миқдори	553,9	499,0	337,2	362,8	1 371,7	818,8
	ўртача фоиз ставка	17,2%	18,4%	18,2%	18,7%	16,8%	-0,4 %
ипотека кредитлари	миқдори	218,1	304,0	373,2	398,4	541,4	323,3
	ўртача фоиз ставка	15,1%	15,7%	16,0%	14,7%	14,7%	0,4 %
микроқарз (бошқа мақсадсиз кредитлар)	миқдори	55,6	42,2	171,8	513,4	425,1	369,5
	ўртача фоиз ставка	14,0%	25,9%	19,5%	26,7%	13,6%	0,4 %
истеъмол кредитлари	миқдори	81,9	81,7	77,3	22,7	21,0	-60,9
	ўртача фоиз ставка	18,9%	17,0%	13,5%	16,6%	16,6%	-2,3 %
таълим кредитлари	миқдори	-	-	-	-	30,1	30,1
	ўртача фоиз ставка	-	-	-	-	18,5%	18,5%
жисмоний шахслар учун бошқа кредитлар	миқдори	60,5	77,4	63,0	31,7	7,2	-53,3
	ўртача фоиз ставка	14,4%	13,4%	14,3%	12,5%	7,7%	6,7 %
Жами		970,0	1 004,4	1 022,4	1 329,0	2 396,5	1 426,5

АТ Алоқабанк чакана кредит портфелида ажратилган автокредитлар миқдори ўтган 5 йил давомида сезиларли ўсишга эришиб 2022 йил 31 декабрда 1 371,7 млрд. сўмни ташкил этган ва 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 818,8 млрд. сўмга ортган, ҳамда ушбу кредитлар учун ўртача фоиз

⁴ АТ “Алоқабанк”нинг молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

ставкаси миқдори 0,4 % га камайиб 16,8% ни ташкил этди. Шунингдек, аҳолига ажратилган ипотека кредитлари 541,4 млрд. сўмга тенг бўлиб, 2018 йилнинг мос даврига (218,1 млрд. сўм) 323,3 млрд. сўмга ортган. Онлайн микроқарз ва бошқа кредит турларининг оммалашиши сабабли ўтган йиллар давомида микроқарз (бошқа мақсадсиз кредитлар) миқдори охириги икки йилда сезиларли равишда ушиб 31.12.2022 йилда 425,1 млрд. сўмни ташкил этиб 2018 йилнинг мос даврига (55,6 млрд. сўм) нисбатан 369.5 млрд. сўмга ортган ва портфелда автокредитдан сўнг энг катта ўсишга эришган.

Шунингдек, микроқарз (бошқа мақсадсиз кредитлар) нинг ўртача фоиз ставкаси ўтган йил охирига келиб 13,6 % га тенг бўлиб 2018 йилнинг шу даврига (14,0 %) нисбатан 0,4 % га камайган. Микроқарз миқдорининг ўсиши ҳисобига аҳолига ажратилган истеъмол кредитлари сезиларли миқдорда камайиб 2022 йил охирига келиб 21,0 млрд. сўмга тенг бўлган ва 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 60,9 млрд. сўмга камайган. Шунингдек, жисмоний шахслар учун бошқа кредитлар миқдори ҳам сўнгги уч йил давомида анчагина камайиб ўтган йил охирига келиб 7,2 млрд. сўмни ташкил этиб 2018 йилнинг мос (60,5 млрд. сўм) даврига нисбатан қарийб етти баробар ёки 53,4 млрд. сўмга камайган. 2022 йилдан бошқа банклар қаторида Алоқабанкда ҳам янги таълим кредитлари турлари йўлга қўйилди ва йил охирига келиб жами миқдори 30,1 млрд. сўмни ташкил этди вауларнинг ўртача фоиз ставкаси 18,5 % га тенг бўлди.

5-жадвал

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ нинг чакана кредит портфели таркиби таҳлили⁵

(31 декабр ҳолати, млрд. сўм)

Кредит тури	Кўрсаткич	2018	2019	2020	2021	2022	Фарқ
ипотека кредитлари	миқдори	897,6	1 800,8	2 841,8	3 271,6	3 677,0	2 779,4
	ўртача фоиз ставка	12,1%	12,8%	12,8%	12,8%	13,2%	1,1 %
микроқарз (бошқа мақсадсиз кредитлар)	миқдори	121,0	387,3	612,8	445,1	963,2	842,2
	ўртача фоиз ставка	13,9%	18,6%	17,1%	20,1%	21,1%	7,2 %
автокредит	миқдори	348,1	529,2	533,2	445,7	738,3	390,2
	ўртача фоиз ставка	19,9%	22,1%	21,8%	19,6%	19,3%	-0,6%
таълим кредитлари	миқдори	-	-	-	-	76,6	76,6
	ўртача фоиз ставка	-	-	-	-	15,6%	15,6%
истеъмол	миқдори	169,1	251,8	189,0	59,8	7,0	-162,1

⁵ “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ нинг молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

кредитлари	ўртача фоиз ставка	17,1%	18,4%	18,5%	18,3%	17,0%	-0,1 %
жисмоний	миқдори	137,0	176,9	123,9	37,7	1,2	-135,8
шахслар учун бошқа кредитлар	ўртача фоиз ставка	12,3%	15,1%	16,7%	14,4%	3,8%	-8,5 %
Жами		1 672,8	3 146,0	4 300,6	4 259,9	5 463,4	3 790,6

Юқоридаги жадвалдан кўриш мумкинки, Ўзсаноатқурилишбанкнинг чакана кредит портфелида 5 йил давомида сезиларли ўсган ва 2022 йилнинг 31 декабрида 5 463,4 млрд. сўмни ташкил этиб 2018 йилнинг шу даврига (1 672,8 млрд. сўм) нисбатан қарийб 3,8 трлн. сўмга ортган. Бунда аҳолининг уй-жой сотиб олишлари учун банк томонидан ажратилган ипотека кредитлари миқдорининг ҳар йил сезиларли даражада ошиши банк чакана портфелининг ўсишида муҳим рол тутган ва ўтган йилнинг охирига келиб 3 677,0 млрд. сўмни ташкил этиб 2018 йилнинг мос даврига (897,6 млрд. сўм) нисбатан 2 779,4 млрд. сўмга ёки 408,5 % га ошган. Ипотека кредитлари учун ўртача фоиз ставкаси 2022 йил охирига келиб 13,2 % га тенг бўлган ва 2018 йилнинг мос даврига (12,1 %) нисбатан 1,1 % га ўсган. Бошқа банклар сингари СҚБда аҳоли учун ажратилган автокредитлар умумий миқдори сезиларли миқдорда ошиб 2022 йил охирида 738,3 млрд. сўмни ташкил этиб 2018 йилнинг шу даврига (348,1 млрд. сўм) нисбатан 39,2 млрд. сўм ёки 212,1 % га ортган. Лекин автокредитлар учун ўртача фоиз ставкаси ҳисобот санасида 19,3 % га тенг бўлиб 2018 йилнинг шу даврига (19,9 %) нисбатан 0,6 % га камайган.

Онлайн микроқарз ва бошқа кредит турларининг оммалашиши сабабли ўтган йиллар давомида микроқарз (бошқа мақсадсиз кредитлар) миқдори охирги уч йилда сезиларли равишда усиб 31.12.2022 йилда 963,2 млрд. сўмни ташкил этиб 2018 йилнинг мос даврига (121,0 млрд. сўм) нисбатан 842,2 млрд. сўмга ортган ва портфелда автокредитдан сўнг энг катта ўсишга эришган. Шунингдек микроқарз (бошқа мақсадсиз кредитлар) нинг ўртача фоиз ставкаси Алоқабанкга қараганда сезиларли миқдорда ошиб ўтган йил охирида 21,1 % га тенг бўлган ва 2018 йилнинг шу даврига (13,9 %) нисбатан 7,2 % га ўсган. Микроқарз миқдорининг ўсиши ҳисобига аҳолига ажратилган истеъмол кредитлари миқдори сезиларли миқдорда камайиб 2022 йил охирига келиб 7,0 млрд. сўмга тенг бўлган ва 2018 йилнинг шу даврига (169,1 млрд. сўм) нисбатан 162,1 млрд. сўмга камайган. Шунингдек, жисмоний шахслар учун бошқа кредитлар миқдори ҳам сўнгги икки йил давомида анчагина камайиб ўтган йил охирига келиб 1,2 млрд. сўмни ташкил этиб 2018

йилнинг мос даврига (137,0 млрд. сўм)нисбатан кескин камайган ва улар усун ўртача фоиз ставкаси ҳам 12,3 % дан (2018 йил) 3,8 % га камайган.

6-жадвал

АТ Халқ банкининг чакана кредит портфели таркиби таҳлили⁶

(31 декабр ҳолати, млрд. сўм)

Кредит тури	Кўрсаткич	2018	2019	2020	2021	2022	Фарқ
жисмоний шахслар учун бошқа кредитлар	миқдори	554,8	1 688,6	2 732,1	4 427,8	5 871,6	5 316,8
	ўртача фоиз ставка	11,1%	8,0%	17,7%	18,9%	3,5%	-7,6%
ипотека кредитлари	миқдори	808,7	1 074,5	1 402,4	1 633,5	3 369,8	2 561,1
	ўртача фоиз ставка	13,2%	12,8%	14,0%	13,9%	15,6%	2,4 %
таълим кредитлари	миқдори	-	-	-	-	642,7	642,7
	ўртача фоиз ставка	-	-	-	-	14%	14,3%
истеъмол кредитлари	миқдори	261,3	1 069,5	1 242,9	729,4	333,4	72,1
	ўртача фоиз ставка	17,8%	22,9%	22,5%	21,6%	13,6%	-4,2%
микроқарз (бошқа мақсадсиз кредитлар)	миқдори	17,5	407,2	803,0	432,5	306,2	288,7
	ўртача фоиз ставка	15,0%	23,9%	21,5%	18,2%	12,4%	-2,6%
автокредит	миқдори	-	322,5	400,8	190,1	41,6	41,6
	ўртача фоиз ставка	0,0%	21,0%	20,5%	20,0%	17,9%	17,9%
Жами		1 642,3	4 562,2	6 581,2	7 413,3	10 565,4	8 923,1

Аҳолининг истеъмол талабларининг ошиши ва кредитлаш миқдорларининг ўсиши сабабли бошқа банклар қаторида АТ Халқ банкининг 2022 йил 31 декабр ҳолатида жами чакана кредит портфели 10 565,4 млрд. сўмни ташкил этиб 2018 йилнинг мос даврига (1 642,3 млрд. сўм) нисбатан 8 923,1 млрд. сўмга кескин ошган. Бунда аҳолига ажратилган ипотека кредитлар миқдори 2018 йилнинг шу даврига нисбатан (808,7 млрд. сўм) қарийб 2,6 трлн. сўмга ошиб 2022 йил охирида 3 369,8 млрд. сўмга тенг бўлган. Бунга параллел равишда ипотека кредитлари учун ўртача фоиз ставкаси ҳам 2022 йилда 15,6 % га тенг бўлиб 2018 йилга (13,2 %) нисбатан 2,4 % га ошган. Онлайн микроқарз ва бошқа кредит турларининг оммалашиши сабабли ўтган йиллар давомида микроқарз (бошқа мақсадсиз кредитлар) миқдори охирги йилларда сезиларли равишда ушиб 31.12.2022

⁶ АТ Халқбанкнинг молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

йилда 306,2 млрд. сўмни ташкил этиб 2018 йилнинг мос даврига (17,5 млрд. сўм) нисбатан 288,7 млрд. сўмга ортган.

Шунингдек микроқарз (бошқа мақсадсиз кредитлар) нинг ўртача фоиз ставкаси ўтган йил охирига келиб 12,4 % га тенг бўлиб 2018 йилнинг шу даврига (15,0 %) нисбатан 2,6 % га камайган. Юқоридаги банкларга қараганда Халқ банкида аҳоли учун ажратилган истёмоли кредитлари миқдори сезиларли даражада ўсган ва 2022 йилнинг охирига келиб 333,4 млрд. сўмни ташкил этган ва 2018 йилнинг мос даврига (261,3 млрд. сўм) нисбатан 72,1 млрд. сўмга ошган. Ўз навбатида истёмоли кредитлари учун ўртача фоиз ставкаси 2022 йилда 13,6 % га тенг бўлиб 2018 йилга нисбатан 4,2 % га камайган.

Чакана кредит портфелида энг катта ўсиш жисмоний шахслар учун бошқа кредитлар миқдорида кузатилган, яъни 2018 йил 31 декабрида 554,8 млрд. сўмга тенг бўлган бўлса, ўтган йилнинг охирига келиб бу кўрсаткич қарийб 5,9 трлн. сўмга етган ва фарқ 5,3 трлн. сўмни ташкил этган. Жисмоний шахслар учун бошқа кредитларнинг ўртача фоиз ставкаси 2022 йилда 3,5 % га тенг бўлиб 2018 йилга (11,1 %) нисбатан 7,6 % га камайган ва бу юқоридаги миқдорнинг ошишига муҳим рол тутган. Банкда 2022 йилдан бошлаб аҳолига таълим кредитлари ажратилиш бошланди ва ўтган йилнинг охирига келиб уларнинг портфелдаги миқдори 642,7 млрд. сўмни ташкил этди ва кредитнинг ўртача фоиз ставкаси 14 % га тенг бўлган. Автокредитнинг миқдори ўтган йиллар давомида сезиларли даражада камайиб 31.12.2022 йил ҳолатида 41,6 млрд. сўмни ташкил этган ва кредитнинг ўртача фоиз ставкаси 17,9 % га тенг бўлган.

Хулоса

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг чакана кредитлаш амалиётида мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини сунъий интеллектга асосланган баҳолаш моделларни кенг жорий этиш мақсадга мувофиқ. Чакана кредитлаш амалиётида инсон омилини камаяди ва кредит риски даражасини пасайтиришга эришилади.

Аҳоли ўртасида тижорат банкларидан кредит олиш ва уни қайтариш борасида молиявий саводхонлигини ошириш. Айниқса, жисмоний шахсларнинг кредит тарихи тўғрисида ва унинг келгусида кредит олиши имкониятларига салбий таъсири юзасидан тарғиботлар ўтказиш зарур. Келажакда жисмоний шахсларнинг қора рўйхатга (ёмон мижоз) тушиб қолиши ва банк кредитларидан фойдаланиш имкониятини маълум вақтга чеклаб қўйиши юзасидан тушунтиришлар бериб бориш лозим. Натижада мижозларнинг банклардан олинган кредитлар бўйича мажбуриятларни ўз

вақтида бажариш масъулиятини ошириб, муаммоли кредитларни камайишига хизмат қилади.

Банкларда жисмоний шахсларни кредитлашни ривожлантиришда мижоз билан узоқ муддатли ҳамкорликка йўналтирилган сиёсат асосида ва қуйидаги йўналишларда иш олиб бориш мақсадга мувофиқ:

- Жисмоний шахсларнинг кредитга лаёқатлилигини ўрганиш жараёнидаги банкнинг автоматлаштирилган скоринг тизимини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш, масофадан хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, хизматлар сифатини яхшилаш ҳамда мижозларга қўшимча қулайликлар яратиш орқали қисқа муддатли кредитлар ажратиш қўлами ва самарадорлигини босқичма-босқич ошириб бориш;

- Кредитлаш жараёнида кредит буюртманомаларини онлайн тарзда қабул қилиш ҳамда анъанавий кредитлаш тизимидан онлайн кредитлаш тизимига ўтиш;

- Аҳолининг талаб ва истакларидан ҳамда бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб, доимий равишда янги кредит маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиб бориш;

- Кредит карталари орқали револьвер кредитлар ажратишни жорий қилиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаев Н.А.(2021) Кредит скоринги: моҳият, қўллаш механизмлари, муаммолар / Иқтисод ва молия / Экономика и финансы, 2021 йил, 3(139)

2. Абдуллаева Ш.З. (2017) “Кредитлашда скорингни қўллаш амалиёти” “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. 2017 йил, №1, феврал.

3. Тошпўлатов Д.А. (2021) Банкларда кредит рискларни скоринг рейтинг тизими орқали баҳолаш / Иқтисодиёт ва таълим / 2021 йил, 5-сон.

4. Ahmet Burak Emel, Muhittin Oral, Arnold Reisman, Reha Yolalan (2003) A credit scoring approach for the commercial banking sector / [https://doi.org/10.1016/S0038-0121\(02\)00044-7](https://doi.org/10.1016/S0038-0121(02)00044-7)

5. Barefoot, Ann, and Christine Walika. (1996) Credit Scoring at a Crossroads: Privacy, Access, and Fairness Concerns Can Be Successfully Addressed. ABA Banking Journal 88: 26.

6. Blöchlingle, Andreas, and Markus Leippold. 2006. Economic benefit of powerful credit scoring. Journal of Banking & Finance 30: 851–73.

7. Caplinsk, Alina, and Manuela Tvaronaviciene (2020) Creditworthiness Place in Credit Theory and Methods. Entrepreneurship and Sustainability Issues 7: 2542–555.

8. Fensterstock, Albert (2005) Credit scoring and the next step. Business Credit 107: 46–49.
9. Fu, Guanghong, Minjuan Sun, and Qing Xu. (2020) An Alternative Credit Scoring System in China's Consumer Lending Market: A System Based on Digital Footprint Data. Available online: https://papers.ssrn.com/sol3/papers.cfm?abstract_id=3638710 (accessed on 25 June 2021).
10. Giannopoulos, Vasileios. (2018) The Effectiveness of Artificial Credit Scoring Models in Predicting NPLs using Micro Accounting Data. Journal of Accounting & Marketing 7: 303.
11. Ponicki, Chuck. (1996) Case Study: Improving the Efficiency of Small-Business Lending at First National Bank of Chicago. Commercial Lending Review 51: 51–60.
12. Xiao-Lin Li, Yu Zhong (2012) An Overview of Personal Credit Scoring: Techniques and Future Work / International Journal of Intelligence Science Vol.2 No.4A(2012), Article ID:24193,9 pages DOI:10.4236/ijis.2012.224024
13. Wu Y, Xie Z, Ji S, Liu Z, Zhang X, Lin C, Deng S, Zhou J, Wang T and Beyah R (2023). Fraud-Agents Detection in Online Microfinance: A Large-Scale Empirical Study, IEEE Transactions on Dependable and Secure Computing, 20:2, (1169-1185), Online publication date: 1-Mar-2023.
14. “Кредит ахборот таҳлилий маркази” (KATM) кредит бюроси интернет саҳифаси маълумотлари – <https://infokredit.uz/uz/about/scoring>